



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 3 август, № 159 (7117)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йилларда мамлакатда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ягона тизимини яратиш, тиббиётнинг хусусий секторини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва соғлом авлодни шакллантириш учун қўлай шарт-шароитларни таъминлаш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳада соғлиқни сақлашни самарали ислоҳ қилишга тўққинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

биринчидан, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича узоқ мuddатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу соҳадаги ислохотлар тўлиқ бўлмаган шаклда ва тизимсиз тарзда амалга оширилмоқда, бу эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини ошириш имконини бермаяпти;

иккинчидан, республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг хорижий мамлакатларда қўлланилаётган муваффақиятли тажрибаси ва аниқ инновацион моделлари лозим даражада ҳисобга олинмаётганлиги соҳага инвестицияларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини бермаяпти;

учинчидан, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари, энг аввало, республиканинг хусусий соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларнинг касбий малакасини ошириш ва лозим даражада сақлаш, уларнинг кўникмалари замонавий талабларга мувофиқлиги устидан таъсирчан мониторинг тизими жорий этилмаган;

тўртинчидан, хусусий секторни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш орқали давлатнинг соғлиқни сақлашга харажатларини мақбуллаштиришга, шунингдек, хусусий тиббиёт ташкилотларини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига интеграция қилишга етарлича эътибор қаратилмаяпти;

бешинчидан, клиник протоколлар ва тиббий стандартларнинг мукамал эмаслиги, шунингдек, инновацион ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги аҳолига тиббий ёрдамни ташкил этишга замонавий услуб ва ёндашувларни жорий этиш имконини бермаяпти;

олтинчидан, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тўғрисида ҳаққоний маълумотлар, шунингдек, ишончли тиббиёт статистикасининг ягона базаси шакллантирилмаганлиги соғлиқни сақлаш тизими аҳолини муносиб баҳолаш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини бермаяпти;

еттинчидан, ҳал этилмаган муаммо ва камчиликларнинг сақланиб қолаётганлиги жамиятда тиббиёт ходимларининг имиджи ва обрўсига салбий таъсир кўрсатмоқда, ушбу касб нуфузини ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишончни пасайтирмоқда.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, республика соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, соҳага чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этишнинг стратегик мақсадлари этиб белгилансин:

умумэтироф этилган халқаро методикаларга мувофиқ аниқландирилган мамлакат аҳолиси саломатлиги кўрсаткичларининг барқарор яхшиланишини ва соғлиқни сақлаш тизимидан қаноатланганлик даражасини таъминлаш; дастлабки босқичда минтақада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги бўйича етакчи ўринларни ҳамда кейинчалик соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигининг жаҳон рейтингларида муносиб ўринни эгаллаш;

аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажмида хусусий сектор улушини салмоқли даражада кўпайтириш, ушбу хизматнинг сифатини ва ундан фойдаланиш имкониятларини ошириш;

(Давоми 2-бетда).



Маънавият

Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор — бу аввало халқимизга эътибор

2018 йилнинг 3 августи Ўзбекистон ижодкор зиёлилари ҳаётида том маънода тарихий кун бўлиб қолди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу куни шоир ва адиблар, театр, кино, musiқа санъати соҳасининг таниқли ҳамда ёш вакиллари, санъатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан самимий руҳда кечган учрашувда халқимиз дилидаги гапларни айтди. Маданиятимиз ва санъатимиз ривожини холисона, танқидий баҳолаб, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни бартараф этиш бўйича муҳим кўрсатмалар берди. Маданий ҳаётимиз равнақи йўлида гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ишларнинг баҳолиқудрат амалга ошишига, "...хавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз" бўлишига ишонч билдирди. Хуш, ўтган бир йил мобайнида нималар ўзгарди?

Фатхулла МАЪСУДОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбек Миллий академик драма театри директори: — Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида мил-

лий маданиятимизни янада ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни белгилаб берган эди. Шу билан бирга, ижодкор зиёлиларни мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги кенг қўламли ислохотлар, ян-

гилаш ва ўзгаришлар жараёнида фаол бўлишга чақирди.

Президентимиз соҳамизга оид муаммоларни алоҳида тилга олиб, уларнинг ечими борасида аниқ таклифларни билдирди. Чиндан ҳам, бугун

намуна қилиб кўрсатадиган, томошабинга чи-накам сабоқ берадиган спектакль ва бадиий фильмларимиз кам. Су-ратга олинаётган кинолар эса, очиги, кўнглимизда-гидек эмас. Кино ҳамда театр санъати энг таъ-сирчан восита экан, ун-дан унумли фойдаланиш, экран каршисида ўти-рганларга ибрат бўлгулик ижодий маҳсулотлар ус-тида ишлаш энг долзарб вази-фамиздир.



Депутат фикри

80 ДАВЛАТ ОРАСИДА ФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Шу йил 24-27 июль кунлари Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон шаҳрида диний эркинликларни тарғиб қилиш бўйича ўнлаб мамлакатлар ташқи ишлар вази-рлари иштирокида ўтказилган халқаро анжуманда Ўзбекистон кўпчиликнинг диққат марказида бўлди.

Эътиборли жиҳати шунда-ки, 80 дан зиёд мамлакат-лардан 600 нафарга яқин ва-киллар қатнашган ушбу ну-фузли тадбирда кейинги икки йил мобайнида жами-ятда диний бағрикенглик му-ҳитини яратиш, очик ва эр-кин фуқаролик жамиятини қуришдаги жадал ислохотла-ри ҳамда эришган натижа-лари учун барча давлатлар орасида фақат Ўзбекистон-нинг кўрсаткичлари эътироф этилди.

Дарҳақиқат, мамлақати-мизда қарор топган тинчлик-осойишталик, миллатлараро дўстона муносабатлар, ўз навбатида, диний бағрикенг-лик конфессиялараро соғ-лом мулоқот муҳитини яратишда ҳам муҳим омили бўлиб келмоқда. Мустақил-лик шарофати билан диний ва миллий қадриятларимиз тўлалигича тикланди, улуг аждодларимизнинг хотира-

ларига муносиб эҳтиром кўрсатилди, улар қолдирган диний-илмий ва маънавий-маърифий меросни ўрганиш учун имкониятлар яратилди. Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ислом маърифатини кенг тарқатиш бўйича амалга оширилаётган ташаббуслар нафақат халқи-миз, балки халқаро жамоат-чиликнинг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда. Айниқса, Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислom цивилиза-цияси маркази, Ўзбекистон Ислom академиясининг таш-кил этилиши юртимизнинг диний соҳадаги кўп асрлик, бой аъёналарига ҳамоҳанг-лик ўларoқ, мусулмон ренес-санси даврига асос солган улуг аждодларимиз томони-дан яратилган ва бугунги кун-да ҳам маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган ил-

мий меросни ўрганиш, илмий тадқиқот ишлари олиб бо-риш асосида жамиятимиз-да диний эркинлик ва бағ-рикенглик тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

каби жадал юритилиши, умуман, ушбу йўналишда-ги амалий сайё-ҳаракат-лар нафақат мамлақати-миз ва мусулмон дунёси-да, балки дунё микёсида ҳам худди Вашингтон ан-

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблашни таъкидлаб, БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифини билдирган эди. Мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзарo ҳурматни қарор топтириш, диний эркинлиكنи таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қўмаклашишга қаратилгани билан жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортиди.

Қисқа мuddатда юрти-мизда диний маърифатга, диний бағрикенгликни амалда таъминлашга қара-тилган ислохотларнинг бу

жуманидаги каби катта кизиқиш ва эътибор уй-ғотмоқда.



ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-нинг ўринбосари — молия вазири Ж. Қўчқоров, Марказий банк раиси М. Нурмурадoв ва бошқалар Ўзбекистон билан ЕТБ ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичда ривожланаётгани таъкидладди.

Ўзбекистонда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда лойиҳалар му-ваффақиятли амалга оширилаётгани, ЕТБ ҳам мамлақати-мизда энергетика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини қамраб оладиган лойиҳалар ҳисобига ўз фаолиятини кенгайтиришни режа-лаштираётгани қайд этилди. Сўнгги 9 ой давомида ЕТБ қиймати 190 миллион долларлик 10 лойиҳа учун кредит линияларини очгани бунга ёрқин мисолдир.



ДУНЁ НИГОҲИ



“Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида республикада миллий иқтисодиётни соғломлаштириш ва либераллаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаёттир. Бу борада, айниқса, иқтисодиётнинг “қон томири” ҳисобланган молия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва мазкур жабҳада рақобат муҳитини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда”.

«Ўзбекистон иқтисодиётида кечаётган туб ўзгаришлардан қайси бири алоҳида таҳсинга лойиқ?»

Хориж оммавий ахборот воситалари шу савол асосида юртимиздаги ислохотларни кенг ёритмоқда.

Ушбу фикрлар араб мам-лаклатлари ишбилармонлари орасида нихоятда машҳур бўлган **“Gulf Times” газе-тасида** чоп этилган мақола-дан ўрин олган.

GULF TIMES

Муаллифнинг таъкидла-шича, валютани сотиш ва сотиб олишга доир тартиб-қоидаларнинг энгиллашти-рилиши хорижий ва маҳал-лий бизнес учун ҳукуматнинг ислохотларга нисбатан “қатъий ва узоқ мuddатга мўлжалланган стратегияси” мавжудлигидан далolat бе-рувчи “ижобий сигнал” бўлди. Шу билан бирга, хо-риж молия институтлари, ху-сусан, банкларга республи-када ўз филиалларини очиш тартиби соддалаштирилгани ҳам муҳим воқеадир. Маз-кур ўзгаришлар, аввало, од-дий одамлар ҳаётига ижо-бий таъсир этиб, уларга кўрсатиладиган молиявий хизматлар сонини кўпайти-риш ва сифатини ошириш-га туртки беради.

Бирлашган Араб Амир-ликларининг **“CPI Financial” жур-на-ли** Ўзбекистон ислом бан-кингини рив-ожланти-риш бoра-сида катта салоҳиятга эга, деб ҳисоблайди.

Деярли 33 миллион аҳоли-

га эга республика ислом банк муассасалари учун стратегик жиҳатдан муҳим бозордир. Ўз навбатида, мамлакат бу ор-қали жаҳон молия бозорига қишш ва иқтисодиётни мо-дернизациялаш учун қўшим-ча маблағларни жалб этиш имконига эга бўлади. “Бунинг учун миллий қонунчиликка те-гишли ўзгариш ва қўшимча-лар киритиш, кенг тарғибот ишларини олиб бoриш режа-лаштирилган”.

Ислom банкинги Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларида йўлга қўйилган. Журналистлар ушбу мамлакатларда тўп-ланган ижобий тажрибани ҳисобга олиб, республика-нинг ички имкониятларини реал баҳолаган ҳолда янги молия тармоғининг жорий қилиниши Ўзбекистон тарақ-қиётида муҳим босқич бўли-шига комил ишонч билди-ради.

Америка Қўшма Штатла-рида 1902 йилдан бери чоп этиладиган **“The Oil & Gas Journal” жур-нали** Ўзбекис-га

OIL & GAS JOURNAL

CPI FINANCIAL

тон бозори халқаро нефть ва газ корпорацияларида катта қизиқиш уйғотётгани-га ургу берган.



